

Бутун дунё пролетарлари, бирлашмиш!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 180 (5529). 12 сентябрь, 1975 йил Ж У М А Баҳоси 2 тийин.

ОКТАБР кўйишнинг ҳаётбахш нуридан баҳраманд ўзбек деҳқони бугунги кунда бадавлат, маданий ҳаёт кечирмоқда. Коммунистик партия, Совет ҳукумати қишлоқларимизни социалистик жиҳатдан қайта қуришда, қишлоқ меҳнаткашларига янги ҳаёт яратиб беришда дастлабки йилларда-ноқ қамқўрили қишлоқчиларимизни учун ҳам ана шундай юксалиш юз берди. Бугунги социалистик қишлоқларимизни шаҳарлардан ажратиб бўлмайди. Донгдор деҳқонларимизнинг номи фақат Иттифоқимизгагина эмас, бутун дунёга таралган. Марҳум Ҳамроқул Турсунқулов уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлган эди. Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ким Пен Ха, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Абдулла Ортиқов, Абдумалик Матқулов ва бошқалар ҳақиқатан ҳам коллективлаштиришнинг ажойиб вакиллари, уни тараққий эттиришнинг моҳир командирлари эдилар. Айниқса бундай ветеранларнинг номи алоҳида ҳурмат билан тилга оламиз. Суратларда: [чапдан ўнгга] Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Оржоникидзе районидagi «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг раиси Т. МИРЗАЕВ, Калинин районидagi Карл Маркс номи колхоз раиси Ғ. АБДУЛЛАЕВ, агроном-пенсияер Виктор ШВАРЦКОП, Бекободнинг Сирдарё бўйидаги қишлоқларида колхоз тузишда актив қатнашган ҳозирги пайтда республика аҳамиятидаги пенсияер А. БОЙ-БУТАЕВ, Бўка районидagi пахта тайёрлаш пунктининг мудири Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ғ. АЗМАТОВ, шу райондagi «Партия XX съезди» колхозининг раиси М. ХАЙТБОВЕ, чинозлик шахсий пенсияер Э. СОТИБОЛДИЕВ, Янгйўл районидagi «Ленинизм» колхозининг кекса аъзоси М. МУМИНОВ ўртоқлар.



ПАХТАКОРЛАРГА ХИЗМАТ-ШАРАФЛИ БУРЧ

РЕСПУБЛИКАМИЗДА пахта йиғим-терим тобора қизғин тус оломоқда. Карвонлар кетидан карвонлар пахта пунктларига тўтовисиз бориб турибди. Заводларимиз дастлабки тоналари ишлашга киришди. Илгор районлар, колхоз ва совхозлар терим суръатига-суръат қўшиб, кунига 2—3 процентдан ошириб «оқ олтин» тайёрламоқдалар.

Областимизнинг миришкор пахта усталари бу йилги обн-хаво қийинчиликлари, суа камчилигини мардонлар еғиб, социалистик мажбуриятини қопладиган даражада мўл ҳосил етиштиришди. Ҳозир ҳамма ерда пахта горими бошлаб юборилди. Мингларча колхозчи ва совхоз ишчилари ўз меҳнатлари завоғига етиштирилган олтин дурдоналарини тез ва тоза териб олиш учун ғайрат ва шижоат кўрсатмоқдалар. Янгйўл, Районет, Урта Чирчиқ, Бўка, Оққўрган ва бошқа районларнинг хўжаликларидан хўшхабарлар келмоқда. Илгор теримчилар кунига хирмонга 120—130 килограмдан ошириб пахта тўкмоқдалар.

Дала баҳодирлари — «зангори кема»ларнинг моҳир механик ҳайдовчилари катта пойгага машиналарини тахт қилиб қўйдилар. Эрта-инди пёбсиз пахтазорларда «зангори кема»лар жовдон ура бошлади. Шу кунларда колхоз ва совхозларда машина теримига тайёргарлик ишлари олиб боришмоқда. Дефляциянинг қисқа вақт ичига сифатли ўтказиш ҳаммаини диққат марказида турди. Пахтаси машинада терилган даладонлар кўздан кечирилмоқда: механик-ҳайдовчилар ва уларнинг ёрдамчилари яна бир марта синавдан ўтказилмоқда.

Бу йил пойгаёт пахтакорлари она-Ватанга 430 минг тонна «оқ олтин» беришга бел боғлашди. Бу юксак социалистик мажбуриятни бажариш қишлоқ меҳнаткашларининг, шу билан бирга областимиздаги барча партия, совет, касаба союзи, комсомол ва хўжалик ташкилотларини ҳамда бутун жамоатчиликнинг шарафини бурчидир. Чунки, пахта халқ, давлат, Ватан бойлиги. Ундан етиштирилмайдиган хилма-хил маҳсулотлар ҳақиқатан ҳамда пахта — қардош халқлар билан дўстлигимиз ва биродарлигимизнинг улкан раҳизидир. Шунинг учун йиғим-терим вақтида пахтакор ва меҳнаткорларга яқиндан ёрдам бериш, уларга намунавий хизмат кўрсатиш гоят муҳим вазифадир.

Ҳар йилгидек бу йил ҳам савдо, алоқа, соғлиқни сақлаш, маданий-маиший муассасалар, санъат, адабиёт ҳодимлари, маданий оқартув ташкилотлари, идеология фронтининг ҳодимлари пахта йиғим-терим вақтида колхозчилар ва совхоз ишчилари ҳамда меҳнаткорларга намунавий хизмат кўрсатиш учун амалий тадбирлар белгилашди. Дала шийонлариди пахтакорларнинг маданий дам олишлари учун бутун имкониятлар яратиб берилмоқда. Радио, телевидение, газета ва журналлар маълумотиимиз ичкарисиди ва халқро ҳаётдаги воқеалар билан пахтакорларни ҳар кун хабардор қилиб турибди. Агитатор, пропагандист ва сиёсий ташкилотчи ҳамда сиёсий ахборотчилар қисқа ва мазмунли лекция ва сўхбатларда колхозчилар, совхоз ишчиларини фидокорона меҳнат, план ва социалистик мажбуриятларни тўла адо этишга сафарлик этишмоқдалар. Илгорлар таърибасини омма-лаштириб, колхозларни оғошлатириб, бугун келажикда, эртага бугунгидан ашироқ ишлашга, хирмонга кўпроқ «оқ олтин» тўкишга даъват этишмоқдалар.

Матбуотда Янгйўл районидagi «Интернационал» колхозни партия ташкилотининг йиғим-терим даврида маданий-маиший, оммавий-сиёсий ишларини олиб бориш ҳақидаги тадбирлари зълон қилинди. Кўпгина колхозлар ва совхозларнинг, илгор меҳнаткорларнинг ватанпарварлик ташаббуслари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва област партия комитети томонидан маъқулланди. Маҳаллий Советлар, касаба союзулари ва комсомол ташкилотлари ҳам яхши тадбирлар белгилашди. Кўпчилик жойларда бу ташаббус ва ҳаракатларга амал қилинмоқда.

Йиғим-терим мавсумий ва қисқа муддатли кампания. Уни тез ва сифатли ўтказиш, ҳосилнинг бир граммининг ҳам нобуд қилмай ёғин-сочинига қолдирмай териб олиб, давлатга топшириш — катта масъулият ва ташкилотчилик кўрсатиш талаб қилади. Бу давр ичига ҳаммаини диққат-эътибори, талант ва маҳорат пахтакорларга қаратиш, мўл ҳосил икдорларни хизматига бўлмоғи керак. Афсуски, областимиздаги айрим ташкилотлар ва корхоналар пахта йиғим-терим даври учун мўлжаллаб план тузиш, тадбирлар белгилаш билан қўрқоқлик қолмоқда. Уларнинг пахтазорда, теримчилар орасида келадиган кам уратасиз. Област партия комитети партия ташкилотлари диққатини дала шийонлариди оммавий-сиёсий ишларини самарали олиб бориш, болалар боғчалари ва яслиларини ишнинг намунавий ташкил этишга донм қаратиб келмоқда. Афсуски, Бекобод, Бўка, Пискент, Юқори Чирчиқ районлариди колхоз-совхозларда яхши жиҳозланмаган шийонлар бор. Улардаги кўрғазмалар агитация талабга жавоб бермайди. Боғча ва яслиларда тарбияланаётган болаларга хизмат кўрсатётганлар орасида таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш ишлариди хабарсиз қилинган ҳам бор.

Жойларда ўтказилган текширишлар шу нарсани кўрсатдики, савдо ва соғлиқни сақлаш ташкилотлари кўча дўконлар, дорихона ва тез ёрдам кўрсатиш ишларини қўнғилдагидек ташкил этишмоқдалар. Теримчилар ўртасида турли саноат моллари савдоси қўнғилдагидек йўлга қўйилмаган. Дам олиш вақтларида хаваскорлик тўғрисидаги маълумотларнинг концертлар билан чиқиб туришлари уюштирилмади. Сиёсий ахборотчилар, агитатор ва сиёсий ташкилотчилар кундлик воқеаларга оид сўхбатларни қизикарли, мазмунли, хўжалик ҳаёти билан боғланган ҳолда олиб борилишини таъмин этишмоқдалар. Клуб мудирилари, кутубхона ҳодимлари далада, шийонларда онда-сонда бўладилар. Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари колхозчилар ва совхоз ишчиларининг талаб ва эҳтиёжларини халқ ҳам тўла урганмақдалар. Шу нарсани ачинадиган, нарийнлар томонидан турли формаларда рағбат-бағиш бўқлар билан чиқаришган плакатлар, варанлар, шорлар, илгорларнинг суратлари йиғим-терим даврига мўлжалланган оммавий-сиёсий адабиётлар бир неча кунлаб, ҳатто сўйлаб қишлоқларга, колхоз ва совхозларга етказиб беришмади. Йил бошида ёки байрамларда ёзилган, вақти ўтиб кетган шор ва суратларни уқратиш мумкин.

Йиғим-терим — сиёсий кампания. Бу — барча партия, совет, касаба союзи, комсомол, бутун жамоатчилик учун катта снов даври. Ҳар бириимизнинг қобилиятимиз, маҳорат ва матонатимиз, ташкилотчилик ва уюштурувчилик санъатимиз, садоқат ва талантими бу даврда умумхалқ кўрғизиди ўтади. Шунинг учун барча ташкилотлар ва бутун жамоатчилик ўз олдига биз бугун пахтакорга қандай ёрдам бердик, давлат хирмонга қўшган ҳиссамиз нимадан иборат бўлди, деган савол қўймоғи керак.

Йилмиз якуллангити. Улуғ сана — КПСС XXV съезди арафасида турибмиз. Беш йилликнинг сўнгги ойлари. Бу улкан анималар ва ескелар ҳар бир совет ишчисиди янада ғайрат ва ташаббус кўрсатиб ишлашни талаб этади. Ҳамма ерда икдорли меҳнат, сиёсий активлик қудратли тўқиндек мавж ўрмоқда. Умумхалқ социалистик мусобақаси миллион-миллион кишиларнинг кундалик ҳаракати ва жонжон ишига айланиб кетди. «Оқ олтинлардан олтин қишлоқларимиз республикамизнинг 5 миллион 203 минг тоналлик, областимизнинг 430 минг тоналлик ослонлар хирмонини тезроқ бунёд этиш учун енг шимариб, бел боғлаб пахта фронтига отландилар. Ҳадемай, колхозлар ва совхозлар, районлар ва областлардан талаба рапортлари кела бошлади. Бир миллион, икки миллион тоналлар тайёр деган хўшхабарларни эшитамиз. Ниҳоят мўлжалланган маррага ҳам етиб келамиз. Бу ўз-ўзидан бўлмайди. Ҳаммамизнинг меҳнатими билан бунёд этилади. Утган йил пахтачилик соҳасида эришилган буюк зафар беш йилликнинг якуловчи қилида барча соҳаларда бизга ёр бўлсин, икдорли ва илҳомбахш меҳнатга сафарбар этисин.

Элчимиз киинитираётган, юртимизни безаётган марду-майдон пахтакорлар хизматида бўлайлик. Бутун куч ва икдорияларини пахта йиғим-терим суръатини оширишга қаратайлик. План ва социалистик мажбуриятларини шараф билан бажариб, жонжон партияимизнинг съездини коммунистик қўнғилда янғидан-янги зафарлар билан қутиб олайлик.

430.000 ТОННА ПАХТА УЧУН 60

ОБЛАСТ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 11 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунда топширилган пахта, учинчи стун — мавсум бошидан бери.	0,74	3,92
Янгйўл	0,27	1,66
Урта Чирчиқ	0,18	1,23
Чиноз	0,31	1,19
Пискент	0,22	0,71
Бўка	0,24	0,68
Оққўрган	0,10	0,32
Қуйи Чирчиқ	0,09	0,19
Юқори Чирчиқ	—	—
Област бўйича:	0,24	1,10

МАККАЖУХОРИ ДОНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 11 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунда ўсмиш, учинчи стун — мавсум бошидан бери.	100,2	100,2
Калинин	—	100,2
Оржоникидзе	—	100,2
Қуйи Чирчиқ	2,0	87,3
Янгйўл	0,2	74,9
Бўтоқлик	2,8	74,1
Чиноз	2,8	73,6
Урта Чирчиқ	0,4	72,4
Оққўрган	2,7	71,7
Бўка	0,8	71,4
Пискент	0,3	62,9
Юқори Чирчиқ	1,0	50,6
Оқангарон	1,8	48,7
Бекобод	0,7	33,9
Област бўйича:	1,4	76,9

МАККАЖУХОРИ ДОНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 11 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунда ўсмиш, учинчи стун — мавсум бошидан бери.	100,2	100,2
Калинин	—	100,2
Оржоникидзе	—	100,2
Қуйи Чирчиқ	2,0	87,3
Янгйўл	0,2	74,9
Бўтоқлик	2,8	74,1
Чиноз	2,8	73,6
Урта Чирчиқ	0,4	72,4
Оққўрган	2,7	71,7
Бўка	0,8	71,4
Пискент	0,3	62,9
Юқори Чирчиқ	1,0	50,6
Оқангарон	1,8	48,7
Бекобод	0,7	33,9
Област бўйича:	1,4	76,9

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Республика деҳқонлари, барча меҳнаткашлари ҳаётида жуда муҳим давр бошланди. Тайёрлов пунктлари янги пахта ҳосилини қабул қила бошладилар. Бу йил сув таъминоти қараман, колхозлар ва совхозлар беш йилликнинг якуловчи йилида Ватанга 5 миллион 200 минг тонна «оқ олтин» беришдан иборат социалистик мажбуриятни бажариш учунгина эмас, балки ошириб бажариш учун ҳам етарли мўл ҳосил етиштиришди. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари — жонжон партияимизнинг XXV съездини муносиб қутиб олиш учун мусобақани тобора авж олдириб, йиғим-терим намунасини гоят қисқа муддат ичига уюшқонлик билан ўтказишнинг, бунинг учун барча мавжуд ресурслардан, аввало терим машиналаридан самарали фойдаланишнинг ўз бурчлари деб билинадилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида идеология министрликлари, идоралари ва муассасалари раҳбарларининг бўлиб ўтган кенгаши республика пахтакорлари қабул қилган юксак социалистик мажбуриятларини бажарилишини таъминлаш соҳасида идеология ҳодимлари — пропагандистлар, агитаторлар, сиёсий ахборотчилар, журналистлар, маданият, фан, соғлиқни сақлаш арбоблари олдига турган эг муҳим вазифаларга бегишланди.

Кенгашда таъкидлаб ўтилдики, йиғим-терим даврида қишлоқда барча оммавий-сиёсий ишларнинг маркази — ҳосилнинг тақдирини ҳал бўладиган далага қўйрилиши керак. Ватан олдидаги бурчини чуқур англаб олишда, КПСС XXV съездини муносиб қутиб олиш учун олиб борилаётган социалистик мусобақада ўз ўрнини топа билишда, барча етиштирилган пахтани ўз вақтида йиғиб-териб олиш учун қуришда ўз ролини белгилашда ҳар бир меҳнаткашга қўмақлашиш — партия, совет, касаба союзи, комсомол ташкилотларининг, барча идеология ҳодимларининг эг муҳим бурчидир. Йиғим-терим кампанияси иштирокчилари, айниқса, меҳнаткорларнинг моддий ва маънавий рағбатлантириш чораларини маҳорат билан қўшиб олиб бориш, мусобақанинг чинакам таъсирчан бўлишига эришиш керак.

Йиғим-терим пайтида агитаторлар ва сиёсий ахборотчилар катта иш олиб боришлари керак. Мусобақа натижаларининг ошқорчилигини таъминлаш, илгорларнинг рекорди барча пахтакорлар томонидан қабул қилинишига эришиш ағитаторлар ва сиёсий ахборотчиларнинг бурчидир. Партия комитетлари агитаторлар ва сиёсий ахборотчиларга ўз вақтларида йўл-йўриқ бериб туришлари, бутун хўжаликда, районда, областда ва республикада ишнинг қандай бораётганлигини уларни мунтазам равишда хабардор қилиб боришлари, дала шийонлариди кўрғазмалар агитацияни яхши уюштиришлари лозим.

Матбуот, телевидение, радио ҳодимлари йиғим-терим кампанияси кунларида ўзларини мусобақанинг чинакам ташкилотчилари эканликлари кўрсатишлари керак. Оммавий ахборотнинг маҳаллий органларига алоҳида эътибор бериш лозим, деворий газеталар ва жанговар варақалар: «Молния» варақалари, колхоз ва совхоз радиогозаларининг оператив эшитиришлари пахта теримчиларини меҳнатда янги-янги муваффақиятларга руҳлантириб туриши лозим.

Мана шу вазифаларни бажариш учун шаҳарлардан таъриббали ҳодимларини, шу жумладан маълумоти пропагандачиларини маҳаллий партия ташкилотларига қўмақлаштиш учун юбориш лозим.

Шуни доимо эсда тутиш керакки, пахтакорларнинг меҳнат унуми қиҳатдан уларнинг қайфиятига, уларнинг дам олиши қандай уюштирилганига, теримчиларга таъминланган маиший хизмат кўрсатишнинг бутун қамлаш қандай амалга оширилганлигига боғлиқдир. Теримчиларни кутубхоналардан баҳраманд қилаётган, телевидение эшитиришлари ва кинофильмларни кўриб, радио тингловини таъминлашга эришаётган партия комитетлари ва маданий маҳоратлиқ муассасаларининг ташаббусларини қўллаб-қувватлашга ва кенг оммалаштиришга сазовордир. Пахтакорлар далада бўлган чоғида мунтазам равишда иссиқ овқат билан таъминланиши керак. Хотин-қизлар меҳнатини енгиллаштириш, уларни йиғим-теримга жалб этиш учун мактабгача болалар муассасаларининг ишларини йўлга қўйиш, керакли микдорда болалар боғчалари ва яслиларига эга бўлиш керак. Қўл нарсаси соғлиқни сақлаш ҳодимларига ҳам боғлиқ. Далада санитария-гигиена қондаларига риоя этишни қаттиқ кузатиб туриш лозим. Матбуот кооперацияси ва маиший хизмат ҳодимлари шу кунларда гоят пухта ишлашлари талаб қилинади. Магазинлар, маиший хизмат қўмақчилари, қабул пунктларининг ишини шундай ташкил қилиш керакки, теримчилар зарур товарларни бемалол оладиган бўлсинлар, уларга зарур маиший хизмат кўрсатиладиган бўлсин.

Кенгашда партия, совет, касаба союзи ва комсомол ташкилотларининг барча идеология ишлари, идеология муассасаларининг бутун фаолияти ҳозирги вақтда КПСС XXV съезди шарафига Ўзбекистон меҳнаткашлари қабул қилган юксак социалистик мажбуриятларини бажаришга қаратилиши лозим эканлиги таъкидлаб ўтилди. (ЎТАГ).

ҚИРГИЗИСТОН ССР САНОАТИ БЕШ ЙИЛЛИК ТОПШИРИГИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРДИ

Қирғизистон ССР меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди қарорларини бажара бориб, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг партиянинг икисодий сиёсат масалаларига юксакдан берган йўл-йўриқларига амал қилиб, социалистик мусобақани кенг ривожлантириш асосида саноат ишлаб чиқариш умуий ҳажмининг ўстириш юзасидан беш йиллик топширигини муддатидан олдин: 25 августда бажарди. Беш йиллик мобайнида саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш КПСС XXIV съезди Ди-

рективларида кўзда тутилган 45—48 процент ўрнига 52 процент ортади.

Беш йиллик мобайнида 25 та йирик саноат корхонаси қурилиб ишга туширилди. Урта Осиёда энг йирик корхоналардан бири бўлган Уш ил газлама қўмақчилари қуриб битказилди.

Қирғизистон меҳнаткашлари КПССнинг XXV съездини муносиб қутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдиришмоқдалар.

КАЛИНИН РАЙОНИ МАККАЖУХОРИКОРЛАРИНИНГ ЗАФАРИ

КПСС XXV съезди шарафига бошланган социалистик мусобақа қўшмабид фидокорона меҳнат қилаётган Калинин райони мажбурияткорлари давлатга мажбурияткор дони сотиш юзасидан экинчаларига олган социалистик мажбуриятларини областда биринчи бўлиб шараф билан бажаришди. Тайёрлов пунктларига 1900 тоннадан ортиқ мажбурияткор дони етказиб берилди. Бу ютуққа гектаридан ўртача 80 центнердан дон олган «Бўзсув» совхозини, 75 центнердан дон олган Ленин номи. «Ленин йўли» колхозларини айниқса катта ҳисса қўшдилар. (ЎТАГ).

ҲАЁТ ВА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ЙЎЛИДА

Инсон қони ҳақли равишда ҳаёт сабабчиси деб аталади. Медицина хизматининг эг муҳим тармоғи қон қўйиш ҳизмати вақиллари 11 сентябрда гематологлар ва трансфузиологиянинг йиғини республика шифохоналарида бўлиб ўтди. Тошкентда чиқаришган шу съездда қатнашган учун Москва, Ленинградда, қардош иттифоддош республикалардан таниқли медициналийлар келишди.

Съездин Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари М. Турсунов очди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси гулдўзор нарсалар остида съездининг фахрий президиумига сайланди.

Биринчи йили мажлисда Ўзбекистонда гематология ёрдами ва хизматининг аҳоли тўғрисида, тенни доираларини ривожлантиришда республика «Қизил ярим ой» жамиятининг роли тўғрисида ва бошқа муҳим масалалар ҳусусида докладлар тингланди. Съезд ўз ишнин давом эттирмоқда. (ЎТАГ).

ХУ ЧАҚИРИҚ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ II СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

ХУ чакирқ меҳнаткашлар депутатлари Тошкент област Советининг II сессияси шу йилнинг 15 сентябрда Тошкент област партия комитетининг мажлислар залида (Ўзбекистон қўчаси, 9) орталаб соат 11 да очилди.

Сессия қў тартибига қуйидаги масала киритилди:

Област хўжаликлариди деҳқончилик ва чорвачилик маҳсу-

лотларини етиштириш ва тайёрлаш бўйича социалистик мажбуриятлар бажарилишининг бориши тўғрисида.

Депутатлар орталаб соат 9 лан ўша ерда рўйхатга олинди.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ.

СОВЕТЛАРДАГИ КОММУНИСТЛАР

КОММУНИСТИК партия ўзининг бутун диққат-этиборини совет халқи ҳаётини тобора фаровонлаштиришга қаратмоқда. Халқ турмушини ҳар томонлама юксалтириш кўп жиҳатдан маҳаллий Советлар фаолиятига боғлиқдир. Бизда ҳокимият ва унинг маҳаллий органлари дўкда энг юксак демократия асосида сайлаб қўйилди. Халқимиз муносиб ўғил-қизларини ҳокимият органларига вакил қилиб сайлайди. Депутатлар орасида коммунистлар кўпчилигини ташкил этаётганлиги меҳнаткашлар ленинчи партиянинг теваригига мустақкам жишашгайлигининг ёрқин далилидир.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўрток Л. И. Брежнев Москва шаҳар Бауман округи сайловчилари ҳузурида сўзлаган нутқида шундай деган эди: «Коммунист элмасинга ҳақиқат унуми ишмиз учун катта масъулият юклаган. Коммунист-депутат элмасинда бу масъулият эса ники баравар ошадими».

Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга шу йилнинг 15 июнида бўлиб ўтган сайловлар натижаси шу жиҳатдан ҳам қувонарлидир. Районимизда олтинчи кишлоқ Совети, районга бўйсунувчи шаҳар ва бир посёлка Совети мавжуд бўлиб, кишлоқ Советларига сайланган 365 депутатдан 164 киши КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатлардир. 62 депутат эса партиянинг яқин ердамчисини ва ишончли резерви бўлган комсомол йигит-қизлардан иборат.

Район партия ташкилоти ҳужалик ва маданий қурилишда маҳаллий Советларнинг ролини ошириш юзасидан катта ғамхўрлик қилаётди. Бунда бизга КПСС Марказий Комитетининг маҳаллий Советлар ишини яхшилаш ҳақидаги қатор қарорлари ҳаракат программаси бўлиб хизмат қилмоқда. Биз партиянинг қарор ва курсатмаларига суянган ҳолда партиявий ишнинг турли метод ва шаклларида фойдаланиб, Советларга раҳбарлигини янада яхшиламоқдамиз.

Барча кишлоқ ва посёлка Советларида партия гуруҳлари тuzилган.

табри 40 йиллик» колхози беш йиллик пахта тайёрлаш планини бажариш арасида турибди. Дон, шол, тухум етиштириш бўйича беш йиллик план мuddатидан анча илгари ортиги билан адо этилди. Навоий номили колхозда ҳам беш йилликка мўлжалланган пахта тайёрлаш планининг асосий қисми ўтган йили уринлиб қўйилган. Давлатга пилла, дон, гўшт, тухум сотиш бўйича беш йиллик план ортириб бажарилиди. Бу ютуқларда коммунист-депутатлардан 3-роҳат Эгамбердиева, Шермат Акромов, Саттор Абдуҷабборов, Ибодат Мирзаҳамидов ва бошқаларнинг хизматлари бақис қаттадир.

Шунингдек, Олмазор посёлка Совети, Жамбул кишлоқ Советидаги партия гуруҳларининг фаолияти ҳам диққатга сазовор.

Район партия комитети халқнинг юксак ишончига сазовор бўлган коммунистларни ташкилотчилик қобилиятига қараб, масул раҳбарлик лавозимларига кўтармоқда. Олмазор посёлка Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Н. Шахрибон аҳоли орасида обрўли, ҳаракатчанлиги, принципиал ҳодим бўлиши учун район партия комитети уни 1-кишлоқ ҳунар-техника билим юртининг директорилик тавсия этди.

Кейинги икки йил мобайнида депутатларнинг бевосита иштироки билан районда ҳужалик ва маданий қурилиш соҳасида катта зафарларга эришилди. 1973—1974 йилларда давлатга халқ ҳужалик планидан ташқари 8107 тонна пахта, 1130 тонна сабзавот, 3301 тонна полиз маҳсулоти, 448 тонна гўшт, 937 тонна қортошқа, 414 тонна шол, 280 минг дон тухум етказиб берилди. Кўп ҳунармандларнинг кўп қўли билан тухум етказиб берилди. Кўп ҳунармандларнинг кўп қўли билан тухум етказиб берилди. Кўп ҳунармандларнинг кўп қўли билан тухум етказиб берилди.

Ҳозир бу тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида биринчи раундда партия гуруҳлари эришилди. «Ок-

тириб тўққизинчи беш йиллик планини бажарибди. Бу йил колхоз ўзининг беш йиллик ҳисобига пахта топширди. Районимиз пахта ҳосилдорлиги бўйича областда пешқадамлар қаторида бораётганлиги қувонарли бир ҳолдир.

Кишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, хутор системасини бутунлай тугатиш, шаҳар типидagi колхоз посёлкаларини барпо этиш кўлида қадимлаб қўйилмоқда. Кўп миллилати районимиз маркази Чиноз юксалётган шаҳар тўсига қирмоқда. Бу йил баҳорда Улуу Ватан уришида ҳалок бўлган чинозликлар хотирасига катта ёдгорлик ўрнатилди. Усмон Юсупов номили маданий ва истроҳат боти қайта реконструкция қилинди. Боққа «мравершидаги» катта саҳида пролетарият доҳисы В. И. Ленинга ҳайкал ўрнатилди. Бу жой ҳозир комсомол-ешлар ва пионерларнинг тантанали маросими ўтадиган муқаддас даргоҳга айланиб қолди. Шунингдек, «Бахт уйи» ҳам қайтадан жиҳозланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакики, шаҳар, посёлка ва кишлоқ Советлари қурилиш ва ободончилик ишларини кўп йилларга мўлжалланган бош план-лойиҳа асосида олиб бормоқдалар. Чиноз шаҳри ва Яллама кишлоғи аҳолисини табиий газ билан таъминлаш ишлари кенг кўлабда бошлаб юборилди. Эски Тошкент кишлоқ Советида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинати қурилиши тасдиқланди. Район марказида «Мингчирчи» ҳиббони барпо қилинди. Ҳиббон мевали ва манзарали дарахтлар билан яшил либосга бурланади, зилот сулли ҳузув қурилади. Район партия комитети ва маҳаллий раҳбар депутатлари район Совети ижроия комитети узоқ йилларда қўл остида турмушини яхшилашни ҳам эътибордан четда қолдирмаётган. Чиноздан 110 километр олдига 80 минг қўй боқибатган Жамбул яйловларида замонвий мактаб,

«Қизил Октябрь» колхозида бўлиб ўтган митингга район Совети депутати, бригада бошлиғи Парихон Камолова бўлаёки сўз шарафига пахта ҳосилдорлигини 55 центнерга етказишга сўз берди. Кирос номили колхознинг участка бошлиғи, бу йил 60 центнерлик қаррани кўзлаган машхур меҳанизатор, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты Турсунай Охунова пахтазорларимиз учун еркин машаал бўлиб қолди. Кўллаб депутатларимиз унинг изидан бориб ҳосилдорлигини ошириш бўйича янги тадбирлар белгилamoқдалар. Оқунбобоев номили колхознинг бригада бошлиқлари А. Боймуродов, М. Рахматулов, Ўзбекистон ССР, 30 йиллик» колхозидан Ф. Сефиров, К. Марис номили колхоздан С. Тошхужаев, «Москва» колхозидан 31-мактаб ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадасининг бошлиғи А. Рахматбековлар ўз коллективларида пахта ҳосилдорлигини олдинги мажбуриятларига нисбатан 3—5 центнерданга кўпайтириш мажбуриятини олдлар.

Ҳозир фан-техника эволюцияси тезкор суратлар билан давом этаётган бир пайтда, кишлоқ ҳужалиги ва чорвачиликни саноат ногизига қўчириш, аҳолига маданий ва маиший хизмат кўрсатишни юксак даражага кўтариш, КПСС Программасида белгиланган улғуров вазифаларини бажариш учун мавжуд имконият ва резервларини қийинчи топиш ва ишга тушириш, партия ва совет органлари олдидagi асосий иш бўлиб қолди. Район партия комитети район халқ ҳужалигини ривожлантиришга раҳбарлик қилишда, ечилмада муаммоларни хал қилишда энг азалом маҳаллий Советларга суянади, улар фаолиятини активлаштириш, ишлаб чиқариш ва ҳужалигини бошқариш ҳамда маданий қурилишдаги ролини оширишга бундан буюн қам катта эътибор беради.

К. МАМЕДОВ,
Ўзбекистон КП Чиноз район комитетининг биринчи секретари,
Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати.

ЎЗБЕКИСТОН гематология ва қон қўйиш илмий текшириш институтини коллективини гематологларнинг I съездида катта муваффақият билан келдилар. Институтнинг олимлари, врач ва ҳампиралари меҳнаткашлар саломатлиги йўлида ажойиб ишларни амалга оширмоқдалар. Суратларда: (чапдан) медицина фанлари кандидати К. Жуманов, ва врач-лаборант Т. Б. Сендеровалар лабораторияда. Тажрибали лаборант М. Рузимухамедова иш устида.

А. Тўраев фотоси.



КОМИНТЕРН VII КОНГРЕССИНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИ

Сийсий адабиёт нашриёти «Коммунистический интернационал» VII конгресси ва фашизмга ҳақиқат қарши кураш» деган ном билан ҳужжатлар тўпламининг нашр этди. Бу тўпламин КПСС Марказий Комитетини ҳузуридаги Марксист-ленинчи институтини нашрга тайёрлади. Китобда конгрессга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказишда ҳамда ўтказишда иштирокчи конгресс голларини янада ривожлантиришга оид материаллар ва ҳужжатлар бор. Коммунист ҳаракатининг атоқли арбоблари В. Пик, Г. Димитров, П. Тольятти, Д. Мануильскийнинг доклады, шунингдек кўп тарғибчилик барица қабул қилинган резолюциялар тўпламда асосий ўрнини эгаллади.

Эълон қилинган ҳужжатлар ва материалларнинг кўпчилиги нояб асарлар бўлиб қолди. Улар окхирги марта бундан таҳминан 40 йил илгари нашр этилган.

(ТАСС).

ЎЗБЕК ТИЛИДА

«Ўзбекистон» нашриёти КПСС Марказий Комитетини Сийсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин таъинланган нутқлари ва мақолалари тўпламинини ўзбек тилига таржима қилиб, нашр этди. Китобга А. Н. Косигиннинг КПСС XVIII—XXII съездида сўзлаган нутқлари, партиянинг XXIII ва XXIV съездларига қилган доклады, КПСС Марказий Комитетининг Пленумларида, СССР ва РСФСР Олий Советларининг сессияларида сўзлаган чўтқлари ва доклады киритилган. А. Н. Косигиннинг маърузалари эълон қилинган мақолалари, кишлоқ ҳужалиги мақолалари, бағишланган кенашларда, меҳнаткашларнинг йиғилишларида сўзлаган нутқлари, чет элларга қилган визитлари, СССРга келган чет эл арбоблари билан учрашувлари ва олиб борган музокаралари билан боғлиқ бўлган боъи нутқлари китобдан ўрин олган.

ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

Чилонзор районининг Фарҳод, Г. Ғулом кўчалари ва қатор кварталларда истиқомат қилувчилар янгиликка дейишган Ислом ака Ҳомидовни жуда яқин танишди. Катталар ширинсухан суҳбатдош, жамоат тартибининг ҳушёр посбони, ешлар эса меҳрибон тарбиячи ва маслаҳатгўй сифатида унинг номини ҳурмат билан тилга олишди. Ислом аканинг иш кабинети ҳам шу кўчадаги бинолардан бирига жойлашган.

Ким, қачон, қандай масала билан келмасин, Ислом ака доим хизматга тайёр.


Биз бир мўсафидининг Ислом ака қабулидан қийиб келаятган вақтида учрашиб қолдик.

— Умридан барака топсин, — дейди у. — Исломжон ешларнинг тилига, қарилларнинг дилига қараб муомала қилади. Яна бир яқин одади, уларнинг шийоқини эшитибгина қолмасдан, масалани ўша жойнинг

ўзида ҳал қилишга ўргатган.

Тўғри, у вакил бўлган участкада аҳоли кўп сонини ташкил этади. 800 уйда 3 мингдан ортиқ хонадон истиқомат қилади. Участка вакили шу оилаларнинг ҳалол меҳнатдан кейин ооилини дам олишни таъминлаш, чўноқчи кўча-кўйда жамоат тартибининг муҳофаза қилиш керак. Ислом ака бунинг улдасидан чиқпти. Шунинг учун ҳам маҳаллалар аҳолисини ундан доим миннатдор.

Я. МОРДУХАЕВ.



МОНРЕАЛГА ЙУЛЛАНАМА

Олимпия турнирининг навбатдаги саралаш матчида СССР футболчилари Москвада Исломия командасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, Монреалга йўлланма олдлар. Маълумки, СССР олимпиячилари олдинги учрашувда 2:0 ҳисобида ғолиб чиқшган эди. Шу босишдан бу галги баҳсда разведкасиэ тўғридан-тўғри кескин ҳужумга ўтидилар.

Команда составида пахтакорчилардан Владимир Федоров билан Василий Хадзицапангис ҳам иштирок этди. Ҳар иккала ўйинчи тренерлар ишончини тўла оқлади. 40-минутда Хадзицапангис рақиб ҳимоячисини енгилгига алдаб ўтди-да, тўпни қарши томонда турган Минаевга аниқ оширди. Минаев тўпни усталик билан қабул қилиб, дарвозанинг юқори бурчагига йўнартди.

СССР футболчилари ҳужуми яна ҳам қувчанди. Бир неча бор Федоров ўнг қанотдан рақиб дарвозаси томон қиналашиб борди. Лекин ҳимоячилар ва дарвозабоннинг маҳорати ту-

файли 1:0 ҳисоби ўйин охиригача ўзгармади.

ЧЕМПИОНАТ СТАРТ ОЛДИ

Минскда кураш бўйича жаҳон биринчилиги старт олди. Кеча классик усулда курашувчи полковлар майдонга чиқдилар. Бундан кейин эркин усулда курашувчилар ва самбочилар мусобақани давом эттирадилар.

Чемпионатда 33 мамлакатнинг спортчилари иштирок этмоқдалар. СССР терма командаси чемпионатнинг олтин медалларига асосий даъвогарлардан бири ҳисобланади. Командамиз составида ўтган йили Катюнина шахрида ўтказилган жаҳон биринчилиги ғолибларидан В. Резанцев, А. Назаренко, В. Зубков, Ф. Мустафин каби донддор спортчилар бор.

ФИНАЛ МУСОБАҚАЛАРИ

Миланда ўтаётган шахматчиларнинг халқаро турнирида

финал мусобақалари қизгин давом этамоқда. Финалда Карпов билан Портиш биринчи ўрин учун ўзаро баҳслашмоқда. Дастлабки учрашув ҳар иккала томоннинг кескин ҳужуми билан ўтди. Аммо кучлар тенг келиб, 35 юришда рақиблар дуранишга рози бўдилар.

Учинчи ўрин ҳузув эса Петрося билан Любевич беллашмоқда. Дастлабки партияда Петрося ғолиб чиқди.

ТУРКИСТОНЧИЛАР ҒОЛИБ

Тошкентдаги округ офицерлар уикида бокс бўйича СССР Қуролли Кучларининг зона мусобақалари бўлиб ўтди. Унда Туркистон ҳарбий округи «чарм қўлдо» усталари ажойиб тактик ва техник маҳорат кўрсатиб, биринчи ўринни эгалладилар. Халқаро тоифадаги спорт мастери Н. Анфимов, А. Гухарбоқиев, М. Камолов, В. Шин, Д. Грубов, Б. Омаров, И. Эгамбердиев ва В. Алексеев соврилли ўринларини эгаллаб 1—6 октябрьда Ўлов шаҳрида бўладиган СССР Қуролли Кучлари биринчилигида қатнашни ҳуқуқини олдлар.

Турнир охирида боксчиларга эсдалик совгалари ва соврилар топширилди.

КЕЛИШУВГА МУВОФИҚ

НИКОЗИЯ, (ТАСС). Кипрдаги турлар оролининг жауули билан бирдамлик митинги ўтказилди. Митинг қатнашчилари Чили Компартиясининг Бош секретари Корвалашин ҳамда фашист ҳушасининг эшлорлари ва қамол лагерларида азоб чекиётган бошга сийсий маҳбусларини дарҳол озод этишни талаб қилдилар.

ПАРИЖ, Франция Коммунист партиясининг Марказий

Комитети, «Юманите» газетасининг редакцияси ҳар кун митинг-минглаб хат ва телеграммалар олмақда. Француз меҳнаткашлари бу хат ва телеграммаларда Чилидаги ҳарбий хунта томонидан амалга оширилган репрессия ва террор сийсатига қарши қаҳр-ғазаб билан норозилик билдирилди. Улар Чили халқининг ҳақрамон қарзиди Луис Корвалаш ҳамда бошқа демократлар ва ватан-

ЯПОНИЯ ЙЎЛДОШИ УЧИРИЛДИ

ТОКИО, 10 сентябрь. (ТАСС). Япония космич фазонини тадқиқ этиш мидлий бошқармаси олдига илмий аппаратлар ўрнатилган «Н-1» ракетасини куча Ер атрофи орбитасига учирди.

Плодот Японияда қурилган уч босқичли «Н-1» ракетаси ёрдамчида чиқарилиди.

90 тонналик ракетанинг биринчи ва учинчи босқичлари Американинг лойиҳаси бўйича Нагоя шаҳрида «Мицубиси Дзюкогио» компаниясининг заводида қурилади.

ЭКВАДОР ҲУКУМАТИ ҚАЙТА ТУЗИЛДИ

КИТО, (ТАСС). Эквадорда министрлар кабинетини қайта тuzилди. Кабинет раҳбари президент Гильермо Родригес. Жаңага ҳукумат составида зарур ўзгаришлар қилиш имкониятини бериш учун 3 сентябрда коллектив бўлиб истеъфо берди. Маълумки, бу воқеа мамлакатда ички реакция ва ажнабий монополиялар ерданида оочиликланган иборат бир гурупа офицерлар давлат тузатишини қилишга уринганлиги бостирилгандан кейин содир бўлди.

Ташқи ишлар министри қилиб ҳукуматнинг соёиб бош секретари Карлос Агирре Асанса, ички ишлар министри қилиб генерал Рубен Дарно Айала, миллий мудофиа министри қилиб истеъфодаги генерал Андрес Аратта, меҳнат ва социал таъминот министри қилиб полковник Франсиско Агирре таъинланди.

Янги ташқи ишлар министри ҳукуматда бўлиб ўтган ўзгариш эквадорнинг ташқи сийсати ўзгаришини билдирмади, деб таъкидлади.

Эквадор қуролли кучлари олий қўмондонлиги ҳам қайта ташкил этилди.



Италиядаги консерва заводлари эгалари деҳқонларга берган ваъдаларини бажармаптилар. Улар ҳозир илгари ваъда қилинган нарх бўйича помидорларни сотиб олишдан бош тортмоқдалар. Бу деҳқонларнинг ҳақни норозилигига сабаб бўлмоқда.

Суратда: қабул пункти олдига тўпланиб қолган деҳқонларнинг молларини кўриб туриш сиз.

АП-ТАСС фотоси. Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва Эълонлар

ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМЛИ МАРКАЗИЙ
МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОХАТ БОГИДА
13—14 СЕНТЯБРДА

XVIII АНЪАНАВИЙ ШАҲАР «ДУСТЛИК» КАРНАВАЛИ ЎТКАЗИЛАДИ ПРОГРАММАДА:

КАРНАВАЛНИНГ — ТАНАНАЛИ ОЧИЛИШ. Мушаввизлик, қизил отликлар парад, шаҳар маданият уйлари-нинг концертлари, цирк артистларининг томошалари, оммавий-қизилқарли ўйинлар, кучиб юрвчи ҳайвонот боғи, кўғирчоқ театрининг томошалари, Хужа Насриддин ва Алдар Кўса карнавал меҳмони.

БАЛ-МАСКАРАД. Ёнг яхши замонавий танцлар учун боғ мукофоти. Қизилқар ва полковларининг чиқиши. Ўзбекистон дор-озлари карнавал меҳмони.

МАРҒИЛОН АСКИЯЧИЛАРИ ИШТИРОКИДА

«АСКИЯ КЕЧАСИ»

Ёнг яхши карнавал костюмлари учун боғ мукофоти.
Ёнг яхши Ўзбек рақси, ашула ва музикаси учун карнавал мукофотлари.

ДУСТЛИК КАРНАВАЛИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ПУШКИН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА
ИСТИРОХАТ БОГИДА
12 СЕНТЯБР КЕЧ СОАТ 8 ЯРИМДА

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ
АРТИСТЛАРИ ИШТИРОКИДА

КАТТА КОНЦЕРТ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

ЖУМАНАЗАР БЕКЖОНОВ

Бутуниттifoқ эстрада коллективлари конкурснинг лауреати

КАРИМА УЗОҚОВА

VI жаҳон ёшлар фестивали лауреати

ОТАЖОН РАЖАВОВ

Лирик хушовоз хонанда

ДАДАХОН ҲАСАНОВ

Солистлар: ФОТИМА БАРАТОВА, ОИХОН ЕҚУБОВА ва бошқалар.

Билетлар сотилмоқда.

МИНИСТРЛИКЛАР, ИДОРЛАР, КОРХОНАЛАР
ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ИХТИРОЛАР ВА ТАДҚИҚОТ-ЛАР БУИЧА ДАВЛАТ КОМИТЕТИГА ҚАРАШЛИ

БУТУНИТТИФОҚ ПАТЕНТ ХИЗМАТИ МАРКАЗИНИНГ
ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ

25 СЕНТЯБР 1975 ЙИЛДА

1976 ЙИЛДА ТУРЛИ ХИЛ ПАТЕНТ ХИЗМАТИНИ КЎРСАТИШ УЧУН

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА

ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШНИ ТУХТАТАДИ

Мурожаат учун адреслар: 700115, Тошкент шаҳри, ГСП, Самар-қанд дарвоза кўчаси, 62-уй, Телефон: 44-23-78; 712014, Фарғона шаҳри, Қориниёз кўчаси, 64-уй, Телефон: 40-735.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ БУИЧА ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ
Тошкентдаги 2-пояфзал фабрикаси қoшда янги ташкил қилинган

149-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1975—1976 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юртида қўйидаги ихтисослар бўйича малакали му-тахассислар тайёрланади: БИЧҚИЧИ, ПОЯАФЗАЛ УСТИНИ ТАЙЕРЛОВЧИ, ПОЯАФЗАЛ ФРЕЗЕРЧИСИ, ҚОЛИПЛОВ-ЧИ, ҚОҚУВЧИ, ЯРИМ ФАБРИКАТ ВА ТАЙЕР ПОНАФ-ЗАЛЛАР КОНТРОЛЕРИ, УСКУНАЛАРГА ХИЗМАТ КЎР-САТИШ БУИЧА РЕМОНТЧИ-СЛЕСАРЬ, ЭЛЕКТРИК.

ЎҚИШ МУДДАТИ — БИР ВА ИККИ ЙИЛ.

Билим юртига 15 ва ундан катта ёшдаги 8—9—10 синф ҳажмида маълумоти бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Билим юртини тугатганлар Тошкент шаҳридаги 2-пояфзал фабрикасида ишлайдилар.

Елғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртига қабул қилинганлар тула давлат таъминотида бўладилар.

Билим юртига кирувчилар куйидаги ҳужжатларни топши-ришлари лозим: директор номига ёзилган ариза, маълумоти, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ва паспорт, турар жойдан, саломатлиги ҳақида (286-форма) справкалар, ўқиш ёки иш жойидан ҳарактеристика.


Ҳужжатлар 2-пояфзал фабрикасининг биносида ҳар кун (якшанбадан ташқари) соат 9 дан 17 гача қабул қилинмоқда.

Билим адрес: Тошкент шаҳри, Домбробод массиви, Га-вар кўчаси, 124-уй. (18-трамвайнинг охири бекати, 16-трол-лейбуснинг «Домбробод» бекати, 14, 24-автобусларнинг «2-пояфзал фабрикаси» бекати) Телефонлар: 76-77-24, 76-61-93, 76-54-27.

АҲОЛИ ЎРТАСИДА ГАЗДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИНИ
ПРОПАГАНДА ҚИЛИШНИ КЎЧАТИРИШ МАҚСАДИДА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ 1975 ЙИЛ 25 АВГУСТДАГИ
14-СОН 423-ПАРАГРАФИ ҚАРОРИГА БИНОАН

1975 ЙИЛ 1 СЕНТЯБРДАН 1 НОЯБРГАЧА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДА ГАЗДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИ ЮЗАСИДАН 2 ОЙЛИК ЎТКАЗИЛАДИ



ТУРМУШДА ГАЗДАН ФОЙДАЛАНИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БАХТСИЗ ХОДИСАЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА АҲОЛИ
ВА ЖАМОАТЧИЛИКНИ ЯНА КЕНГ ЖАЛБ ҚИЛИШ ВА ГАЗДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИШДА АҲОЛИ БИЛИМ СА-
ВИАСИНИ ЯНАДА ОШИРИШ УЧУН

«ТАШОБЛГАЗ» БОШҚАРМАСИ «ГАЗДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИНИ ЁНГ ЯХШИ БИЛУВЧИ» КОНКУРС-ВИКТОРИНАСИНИ ЎТКАЗАДИ КОНКУРС ШАРТЛАРИ:

КОНКУРС МУДДАТИ 1975 ЙИЛ 1 НОЯБР-ГАЧА.

КОНКУРСДА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДАГИ ТАБИИЙ ГАЗ ЕКИ СИҚИЛГАН ГАЗДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ ШАҲАРЛАР ВА АҲОЛИ ПУНКТИЛАРИНИНГ БАРЧА КИШИЛАРИ ҚАТНАША ОЛАДИЛАР.

КОНКУРС-ВИКТОРИНАНИНГ ҲАР БИР ҚАТ-НАШЧИСИ ҚУИДАГИ САВОЛЛАРГА ЖАВОБ ҚАЙТАРИШЛАРИ ШАРТ:

Шаҳарлар ва аҳоли пунктларида ёқилги сифатида қандай газдан фойдаланилади? Уларнинг асосий физика-вий-химиявий хоссалари.

Табиий ва сиқилган газ. Ҳунончи ёниш вақтида ҳосил бўлган унинг маҳсулотлари киши организмига қандай таъсир кўрсатади? Заҳарланган ва газдан бўғилган вақт-даги биринчи ёрдам.

Уй ичида, ертўлада ва ҳовлида газ ҳидини сезганингда сиз қандай ҳаракат қилардингиз?

АГВ—80 ва АГВ—120 сув иситкичларини ёқиш тар-тиб-қоидалари.

Ванна хоналари қандай техник талабларга жавоб бе-риши керак?

Иситиш печлари, сув иситкичлар дудбуронларининг ҳаво тортиш-тортмаслиги қандай текширилади, улар ним-лар томонидан ва қайси муддатларда текширилади?

Бўшаган газ баллонини уч конфоркали плитадан ўчи-риш ва 27 литрли тула баллонини ёқиш тартиб-қоида-си.

Қишда хонани иситиш учун конфоркалардан ва плита-нинг духовка шкафидан фойдаланиш мумкинми? Бу қан-дир?

ЎРТОҚЛАР! 2 ОЙЛИКДА АКТИВ ИШТИРОК ЭТИНГИЗ!

РЎЗГОР ГАЗ ПРИБОРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИНИНГ БУЗИЛИШИГА ЙЎЛ ҚўЙМАНГИЗ!
ЭСДА ТУТИНГ! ГАЗНИНГ ҲАВО БИЛАН БИРИКМАСИ ПОРТЛАШ ВА ЎТ ЧИКИШ ХАВФИНИ ТУЕДИРАДИ.

ГАЗДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИГА КАТТИЯ РИОЯ ЭТИШ —
ХАВФСИЗЛИГИНГИЗ ГАРОВИДИР.

«ТАШОБАГАЗ» БОШҚАРМАСИ

дай оқибатларга олиб келиши мумкин?
Газ конфоркаларини бир ердан иккинчи ерга кўчириб ўтказиш мумкинми?

Бу ишларни ним бажариши мумкин: таниш газчими, слесарь водопроводчини ёки райгаз?

Газ билан сув иситиш колонкасини ёқиш тартиб-қои-даси.

«ТАШОБЛГАЗ» БОШҚАРМАСИ
КОНКУРС-ВИКТОРИНА ҒОЛИБЛАРИНИ
РАҒБАТЛАНТИРИШ УЧУН ҚУИДАГИ
МУКОФОТЛАРИНИ ТАЪСИС ЭТДИ:

Биринчи 10 ўринни эгаллаган кишилар «ГАЗДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИНИ ЯХШИ БИ-ЛУВЧИ» дипломлари билан тақдирланадилар ва ярим йил мобайнида газдан беуул фойдаланиш ҳуқуқи бери-лади.

Иккинчи 15 ўринни эгаллаган кишилар «ГАЗДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИНИ ЯХШИ БИ-ЛУВЧИ» дипломлари билан тақдирланадилар ва ярим йил мобайнида газдан беуул фойдаланиш ҳуқуқи бери-лади.

Учинчи 25 ўринни эгаллаган кишилар «ГАЗДАН ТЎҒ-РИ ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИНИ ЯХШИ БИЛУВ-ЧИ» дипломлари билан тақдирланадилар.

САВОЛЛАРГА ЖАВОБЛАРНИ ЕЗМА РАВИШДА 1975 ЙИЛ 31 ОКТАБРДАН КЕЧИКМАЙ ҚУИДАГИ АДРЕСГА ЮБОРИЛСИН: 702130 п/о Қибрай, Тош-кент область, Оржоникидзе район, «Ташобгаз» бошқар-маси. «Конкурс-викторина»га.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БҲУГҲН
Биринчи ПРОГРАММА. 11.25—
— ТОШКЕНТ. 11.30 — Эрианда —
Чирчиқ шаҳри пионерлари. 12.15
— Кинофильм. 12.25 — Ўзув кўр-
сатуни. 13.00 — Уларни Фақат
афтидан таъир эдилар (бадий
фильм). 14.30 — Фильм-концерт.
15.00 — МОСКВА. 18.15 — ТОШ-
КЕНТ. 18.20 — Мультифильм. 18.40
— Мардлик — мангулик. 19.10 —
«Ахборот». 19.25 — Концерт.
20.05 — Телефильм. 20.55 — «Ах-
борот». 21.15 — Чорвачилик —
вардбор фронт. 21.30 — Концерт.
22.00 — «Вақт». 22.30 — Мушона-
ра давом этади. 22.15 — Теле-
фильм. ИККИНЧИ ПРОГРАММА.
18.15 — МОСКВА. 19.00 — Инги-
лислар. 19.15 — Мультифильм.
19.40 — Концерт. 20.05 — ТОШ-
КЕНТ. Инсон ва қонуни. 20.35 —
Беш йиллик зарбдорлари. 20.55—
Телефильм. 22.00 — Хунокатли
фильмлар. 22.30 — МОСКВА.
УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 20.00 —
ТОШКЕНТ. 20.05 — Фильм-кон-
церт. 20.30 — Тошкент ингили-
лари. 20.45 — Фильм-концерт.
21.40 — Беш йиллик маршрутла-
ри бўйлаб. 22.30 — Зоя (ба-
дий фильм).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ
АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА
12-ИХ да Олтин девор. 13-ИХ да
Курмайин босдим тинонини.
МУҚИМИН НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВ-
ЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА
13-ИХ да Ажаб савдолар. 13-ИХ да
Сув келтирган азиз.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Сўқабаш — «ЧАНГА». «ЎЗБЕ-
КИСТОН». «ВОСТОК». «ТОШКЕНТ
СОВЕТИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ» (кун-
дуз ва кечурун). «ДРУЖБА»
(окуфт соатларда). «ҚОЗОҒИСТОН»
(12.00, 14.00, 16.00, 17.00, 18.00,
20.00, 21.00, 22.00).

Мантаб директорининг кундали-
ги «ДРУЖБА» (тоғ соатларда).
«МОСКВА» (10.00). «ҚОЗОҒИСТОН»
(11.00, 13.00, 15.00, 19.00).

Кромель — САҒЪАТ САРОЙИ
(кундуз ва кечурун).

Катта сайр — «КОМСОМОЛ 30
ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечурун).

Ташиниши сукунат — НАВОИЙ
номли (кундуз ва кечурун).

Эй, бахтли инсон! — «НУКУС»
(кундуз ва кечурун).

Бошсиз чавандоз — «МОСКВА»
(11.00, 12.30, 14.00, 16.00, 17.30,
19.00, 21.00).

ЕЗГИ БИНОДА

Сўқабаш — «ХИВА».

Эолемия — «ФЕСТИВАЛЬ».

«Главташкентстрой» саноат

корхоналари

бошқармасининг

ЧИНОЗ РУДАСИЗ

ҚУРИЛИШ

МАТЕРИАЛЛАРИ

КОМБИНАТИ

Ташкилотлар, соҳахоналар ва

колхозлар раҳбарларига С. Ра-
химов станциясидаги базадан

тартиб-қоидадан

ҚУМИЛАРИНИНГ

ТАЛОНЛАРИ

ҚАЙТА РЎНХАТДАН

ЎТКАЗИЛИШИНИ

БИЛДИРАДИ

Қайта рўнхатдан ўтказиш

муудати — 30 сентлябгача.

ҚАЙТА РЎНХАТДАН ЎТКА-

ЗИЛМАГАН ТАЛОНЛАР ВЕКТОР

ҚИЛИНАДИ.

Тошкент пассажир станция.

сининг

2.ВАГОН ДЕПОСИ

пассажир вагонларининг

проводникларини тайёрлаш

КУРСЛАРИГА

ЎҚУВЧИЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Курсларга камда 7 синф

ҳажмида маълумоти, 18 ёш,

дан кичик бўлмаган кишилар

қабул қилинади.

Учинчи даврида 50 сўм миң.

дориди стипендия тўланади.

ТЕМНИН ПУЛ ТРАСПОРТИ

ХОДИМЛАРИ УЧУН БЕЛ-

ГИЛАНЛАН ЛИТИЗЕЛАР

дан КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ҚИ-

ЛИНГАНЛАР ҲАМ ФОНДАЛА-

НАДИЛАР.

Визинг адресимиз: Тошкент

шаҳри, Богдаи Хмелинский

кўчаси, 90-уй, кайлар бўли-

ми, Телефонлар: 392.54-318.

31-автобуснинг «Вагон депо.

си» бекати, 45, 50-автобуслар

нинг ва 14-троллейбуснинг

«Салор ариги» бекати.